QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ
XALÍQ BILIMLENDIRIW
MINISTRLIGI

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«29» Декабрь 2021-y. № 03-01/9-5874 «____»-__________ 2021-j.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига**

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани "Қорамон" МФЙда яшовчи фуқаро Қ.Бекчановнинг 2021 йил 6-декабрдаги (ХТВдан 2021 йил 21-декабр 01/5-1819 сонли хат) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ёзган шикоят аризаси ишчи гурух тузилган ҳолда ўрганилиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида, 2021 йили 2-декабрь куни 53-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 5-синф ўқувчилар бир-бирлари билан келишмай ўзаро жанжаллашиб, урушиб қолганлиги аниқланди. Бу ҳолат юзасидан 5-а синф раҳбари И.Мамутов, 5-в синф раҳбари Р.Жиянова ҳамда мактабнинг ёшлар етакчиси Д.Йўлдошев Амударё тумани халқ таълими бўлимига қарашли 53-сонли мактаб директори Г.Собиров томонидан жорий йилнинг 21-декабр куни 18-сонли буйруғи асосида "Хайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилган.

*Мурожаатда Амударё тумани халқ таълими бўлимига қарашли 53-сонли умумий ўрта таълим мактабида қисқа муддатли ишлашга кўзи етган директорлар шахсий манфаатларини кўзлаб, ўқитувчилардан қаттиқ қўллик билан иш талаб қилмайди деб кўрсатган.*

**Лекин, ўрганиш жараёнида ўқитувчилар билан мулоқотда бўлганлигимизда мактабда тартиб-интизом жойида эканлиги атаб ўтилган.**

*Мурожаатда мактаб директори Г.Собировнинг қўл остидаги ўқитувчилардан саводи пастлиги, қинғир ишлари кўп бўлганлиги учун, ўқитувчилардан сифатли таълим, ўз вақтида иш жойида бўлишини, мактаб тозалиги ва сифатини талаб қила олмайди деб кўрсатилган.*

**Лекин, ўрганиш пайтида директор Г.Собиров томонидан мактаб атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилганлиги, қинғир ишларга аралашмаслиги, саводи тегишли жойлардан суҳбат асосида ўтиб мактаб директори лавозимига тайинланганлигига ҳали бир йил бўлмаганлиги аниқланди.**

Шунингдек мурожаат эгаси Ж.Бекчонов билан тушунтириш ишлари олиб борилиб бу бўйича ўзининг тушунтириш хатини берган.

Ўрганиш якуни бўйича 53-сонли умумий ўрта таълим мактабининг директори Г.Собиров томонидан ножўя ҳатти ҳаракатлар олиб борилмаганлиги ўз тастиғини топди.

Юқоридагиларни инобатга олиб Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизга, Амударё тумани 53-сонли умумий ўрта таълим мактабида ҳозирги пайтда раҳбарият ва ўқитувчилар орасида соғлом муҳитни яхшилаш ва таълим сифати, мазмунига алоҳида эътибор қаратиш ишлари олиб борилаётганлигини маълум қилиб билдирамиз.

*Изох: Мурожаат эгасига Амударё тумани халқ таълими бўлимининг 2021 йил 22-декабрдаги 369-сонли хати, Қ.Бекчанов, мактаб директори Г.Собиров, синф раҳбарларининг тушунтириш хатлари, интизомий чора қўлланилганлиги тўғрисида 2021 йил 21-декабрдаги 18-сонли буйруқдан кўчирма илова қилинади.*

**Вазир ўринбосари** **Ш.Таджимуратов**

тайёрлаган А.Жоламанов
телефон 61 222-56-02

AMUDARYo TUMANI
XALQ TA'LIMI
BO'LIMI
230700, Qoraqalpog'istonRespublikasi, Amudaryotumani,
MangitshahriQipchoqko'chasi r-z uy
Tel/fax.: (+998) 61 515-23-76
web-site: www.amuziyo.uz, e-mail: amudaryo_txtb@xtv.uz

ÁMIWDÁRYa RAYoNLÍQ
XALÍQ BILIMLENDIRIW
BÓLIMI
230700,QaraqalpaqstanRespublikasi, Ámiwdáryarayoni,
Mang'itqalasi. Qipshaq k, n-siz jay
Tel/fax: (+998) 61 515-23-76
web-site: www.amuziyo.uz, e-mail: amudaryo_txtb@xtv.uz

2021-y. «22» dekabr № 369 «22» dekabr 2021-j.

**Amudaryo tumani Qoramon
MFY da yashovchi
N.Bekchanovga**

Sizning 2021-yil 9-dekabr kuni Amudaryo tumani prokuraturasiga 53-sonli umumta'lim maktabi ma'muriyatidan norozi bo'lib yo'llagan murojaatingiz Amudaryo tumani Xalq ta'limi bo'limi mas'ul xodimlari tomonidan o'rganilib chiqildi.

Amudaryo tumani Xalq ta'limi bo'limi Sizga, 2021-yil 2-dekabr kuni 53-sonli umumta'lim maktabi 5-sinf o'quvchilari bir-birlari bilan kelishmay o'zaro janjallashib urushib qolganligini ma'lum qilamiz.

Bu holat yuzasidan 5-$^{A}$sinf rahbari Mamutov Ilxamboy, 5-$^{B}$sinf rahbari Jiyanova Ra'no hamda yoshlar yetakchisi Yo'ldashev Dilmuratga 53-sonli umumta'lim maktabi direktorining 2021-yili 21-dekabr kungi 18-sonli buyrug'i asosida Hayfsan intizomiy chorasi qo'llanildi.

*53-sonli umumta'lim maktabining 2021-yil 21-dekabr kungi 18-sonli buyrug'i ilova qilinadi*

*Ilova __varaqdan iborat*

**Tuman XTB mudiri o'rinbosari:** **I.Radjapov**

**AMUDARYo TUMANI XALQ TA'LIMI BO'LIMI**

230700, Qoraqalpog'iston Respubikasi, Amudaryo tumani, Mangit shahri Qipchoq ko'chasi r-z uy
Tel/fax.: (+998) 61 515-23-76
web-site: www.amuziyo.uz, e-mail: amudaryo_txtb@xtv.uz

**ÁMIWDÁRYa RAYoNLİQ XALİQ BILIMLENDIRIW BÓLIMI**

230700,Qaraqalpaqstan Respublikasi, Ámiwdárya rayoni, Mang'it qalasi. Qipshaq k, n-siz jay
Tel/fax: (+998) 61 515-23-76
web-site: www.amuziyo.uz, e-mail: amudaryo_txtb@xtv.uz

2021-y. «21» dekabr  № 368/2  «21» dekabr 2021

**Amudaryo tumani Xalq ta'lim bo'limiga qarashli 53-sonli umumta'lim maktab direktoriga**

2021-yil 2-dekabr kuni 5-sinf o'quvchilari Atamuratov Raxmatjon Bobomurat o'g'li, Rustamboyev Raxmatjon G'ayrat o'g'li, Gulimatov Bexruz Baxram o'g'li, Rajapov Jaxangir Faxriddin o'g'li o'zaro kelishmovchilik sababli janjallashgan. O'quvchilarning ta'lim-tarbiyasiga mas'ul bo'lgan sinf rahbarlari bu holatning oldini olish uchun hech qanday tushuntirish ishlarini olib bormagan.

Shu munosabat bilan Sizdan, 5-A sinf rahbari Mamutov Ilxombay Jumabayevich, 5-B sinf rahbari Jiyanova Ra'no Raximboyevna hamda yoshlar yetakchisi Yo'ldashev Dilmuratlarga intizomiy chora ko'rishingizni so'raymiz.

*Tushuntirish xatlari ilova qilinadi.*

*Ilova __varaqdan iborat*

**Tuman XTB mudiri o'rinbosari:** **I.Radjapov**

Ijrochi: Z.Abdullayev
Tel: 99-339-90-20

Xalq ta'limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havolalar orqali xabardor bo'lishingiz mumkin

www.uzedu.uz   t.me/uzedu   facebook.com/uzedu   instagram.com/

Амударё тумани ХТБга қарашли 53-сонли мактаб директорининг
БУЙРУҚДАН КЎЧИРМА №18

2021-йил 21декабрь "Қорамон" МФЙ

Интизомий жазо қўллаш тўғрисида

Амударё тумани Ҳалқ таьлим бўлимининг 2021-йил 21- декабрь кунги 368/2-сонли тақдимномасига кўра

1. Амударё тумани 53-сонли умумтаьлим мактабнинг 5-А-синф раҳбари Момутов Илхомбой ўз ишига совуққонлик билан қараганлиги сабабли унга "Хайфсан" эълон қилинсин.
2. 5-Б-синф раҳбари Жиянова Раьнога ўз ишига маьсулиятсизлик билан қараганлиги учун "Хайфсан" берилсин .
3. 53-сонли мактабнинг ёшлар етакчиси Йўлдашев Дилмурод ўз иш фаолияти давомида хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 181-моддаси 1-бандига асосан " Хайфсан" берилсин.

Асос: ХТБнинг 368/2 хати ва менинг буйруғим.

Мактаб директори : Г.Собиров

| |
|---|
| 2021 йил 21-декабрь |
| № 18 |

Амударё тумани халқ
таълим бўлими мудири
А. Исмоиловга
Қоратош м.ф.й да яшовчи
Бекчанов Қадамбой
томонидан

# Тушунтириш хат.

Ушбу тушунтириш хатим орқали шуларни маълум қиламан: 2021-йил 29-декабр куни менинг аризам бўйича Амударё тумани халқ Таълими бўлимидан Ахмедов Жасур келди, менинг мурожаат-им бўйича ишни ўрганиб чиқди
тушунтириш хати берувчи

[signature] К. Бекчанов

29/XII. 2021 й.

Amudaryo tumani XTB
bo'lim mudiri A. Ismoilovga
53-sonli maktab direktori
G. Sobirov tomonidan

# Tushuntirish hati

Beraman ushbu tushuntirish hatini shul haqdakim men rahbarlik qilayatgan maktabda 2021-yil 2-dekabir kuni bo'lgan hodisa yuzasidan 5^b sinf o'quvchisi Qadambayev Nematjonning otasi Bekchanov Nodirbekni chaqirib tushuntirish ishlarini olib borib tushuntirish ishlari yuzasidan maktab MMIBDO' Rahimbayev Akrom hamda mahalla noziri X. Xudaybergenovlar bilan birgalikda tushuntirdik hamda bunday hol qaytarilmaydi deb tushuntirish hatni o'z qo'lim va o'z so'zim bilan yozdim.

Sobirov Gulmirza Saparbayevich

/ [signature] / 29.12.2021 yil

Амударё тумани
халқ таълими ...

Амударё тумани халқ
Таълими мудири А Исмоилов
га №53-сонли мактабнинг
Технология фани ўқитувчиси
Жиянова Фаъно томонидан

# Тушунтириш хати

Тушунтириш хатим орқали шуни маълум қиламанки, 2-декабрь куни 5А-синфда ўқийдиган Худамбаев Нематжонни 5А-синф ўқувчиси Фарханов Жаҳонгир билан 1-соат тугагатдан кейин танаффусда жанжаллашган. Жанжал тугагач мен дарс ўтдим. Худамбаев Нематжонга уйга жавоб берайинми, ёки оғримаяптими деб сўрадим. уйга бормайман оғримаяпти деди. Дадангиз қаерда десам шаҳарга машинага кетди деди. Жанжаллашган болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашдим. Уларнинг ота-оналарини М.М ишлар бўйича директор ўринбосари Фазилбаев Икром ҳам суҳбатлашди.

Жиянова Ф.

2-декабрь 2021

Amudaryo tumani
xalq ta'limi mudiri
A. Ismoilovga
№: 53-sonli maktabning
Yoshlar Ittifoqi yetakchisi
Yuldashev Dilmurod
tomonidan

# Tushuntirish xati

Tushuntirish xatim orqali shuni malum qilamanki men 2-dekabr kuni soat 8:45 da maktabga keldim va 9:00 da kirishga zvanok chaldim va o'quvchilarni sinflariga kirgizib davomadni tushib chiqdim va soat 9:40 da zvanokni chalib maktab tashqarisiga chiqdim va bola-larga qarab yurdim va 9:45 da kirishga ikkinchi soatga zvanok chalib tashqaridagi bolalarni ichkariga kirgizib xonamga keldim va 5^A sinf Rahbari Ziyanova Rano opa Nimatjon va Jahongirni oldimga olib keldi janjallashganligi sababli va men ular bilan gaplashdim R. Ikrom-Manaviyatchimiz ham gaplashdi soat 10:lardan o'tib mangit shahriga bandlikdan yo'llanmani olgani ketdim.

Yuldashev Dilmurod [signature] 02.12.2021

Амударё тумани халқ
таълими бўлими мудири
А.Исмоиловга 53-сон
мактабнинг 5 9-синф
раҳбари Мамутов
Илҳомбой томонидан

Тушунтириш хати.

Бераман ушбу тушунтириш хатимни шу ҳақдаким 2 декабр куни бўтрагим шамоллаб касалхонага текширилиш учун кетган эдим. Шу куни Ғафаров Жаҳонгир Қадамбоев Неъматжон билан урушибди. Шу куни мактабга келиб воқеани ўргандим. Ота-онаси билан учрашиб суҳбатлашдим. ИИИБДЎ билан ҳам бориб тушунтириш ишларини олиб бордим.

Мамутов Илҳомбой / [signature] /
2 декабр 2021 йил.